**Ушбу сонда:**

**2** *У кунларни унутиб бўладими?* «ДЕСАНТЧИ»ЛАР ЗУЛМИ

**3** *Томорқа хўжалиги ва даромад* ИШЛАШНИ БИЛМАГАН НОЛИЙДИ

**4** *Қўшиқ байрами* «АЛЛА» СЕҲРИ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 15 июн, сешанба № 77 (724)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари, Азиз Дўстим,

Франциянинг саноат бўйича Давлат котибининг Тошкентга муҳим ташрифи Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият бераётганлигимни яна бир бор таъкидлаш имконини берди.

Косоводаги тангликни бартараф этишда қатнашаётган Европа Иттифоқидаги бошқа давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқлари каби, Болқондаги вазиятнинг ривожи сабабли чет мамлакатларга қиладиган сафарларимнинг кўпчилигини бирмунча кейинроқ муддатларга кечиктиришга мажбур бўлдим. Шунга қарамай, Сизнинг лутфан қилган таклифингизга жавобан Марказий Осиёга бориш ниятимни унутмаяпман, мамлакатингизда бўлишга розилигимни яна бир бор тасдиқлайман.

Мана бир неча йиллар мобайнида бизнинг икки томонлама муносабатларимиз муваффақиятли ривожланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланиши даражаси муттасил ўсиб бораётганлигидан хурсандман. Ишончим комилки, жаноб Кристиан Пьерренинг шу йил 11-12 июн кунлари Тошкентга қиладиган сафари иқтисодий ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Муносабатларимизнинг шундай ижобий ривожланиши Сизнинг ўз мамлакатингизни дунёга, хусусан Европага очиш истагингиз туфайли мумкин бўлиб қолди. Шу муносабат билан мен Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида биз 1996 йил Флоренцияда имзолаган Битим кучга кирганлиги билан табриклайман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Камоли эҳтиром билан,

**Жак ШИРАК,**
**Франция Республикаси Президенти**

Париж, 1999 йил 7 июн

*Жўшқин ҳаёт нафаси*

## УЛКАН ТЎЙГА ҲОЗИРЛИК

Халқ қаҳрамони Алпомиш юрти Сурхондарёда улкан тўйга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бахшилар кўпдан куйлаб келаётган «Алпомиш» достони вариантлари тўпланиб китоб ҳолига келтирилмоқда. Турли кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Воҳада Алпомиш боғлари, спорт мажмуалари яратилаётир. Термизда бунёд этилаётган улкан спорт мажмуи, Алпомиш боғи шаҳарнинг энг гўзал оромгоҳларидан бирига айланмоқда. Алпомиш спорт мажмуи туташиб кетадиган «Қизил Шарқ» маҳалласига вилоят ҳокимлиги қошидаги атамалар комиссияси қарори билан «Алпомиш» номи берилди.

Бойсунда 25 гектарли Алпомиш номидаги боғ барпо этилмоқда. Боғда ранг-баранг манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар парваришланмоқда. Бу ерда «Алпомиш» музейи қурилиши жадал бормоқда.

## БОЛАЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИ УЧУН

Хоразм вилоятининг хушманзара жойларида бешта дам олиш зонаси болаларни қабул қилишга тайёрлаб қўйилди. Натижада қишлоқ болаларидан бир неча юзтаси одатдагидан бир ҳафта илгари дам олишни бошладилар.

Бу йил ёзда дам олиш лагерларида ҳаммаси бўлиб 24 минг бола дам олади. Камжарж оилаларнинг 1500 ўғил ва қизи Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги тоғларда жойлашган лагерларда дам оладилар.

## НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон ногиронлар жамияти Марказий бошқаруви раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ногиронлар жамиятлари раислари ва тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Йиғилишни Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг раиси С.Убайдуллаев олиб борди.

Йиғилишда Ўзбекистон ногиронлар жамияти фаолиятини такомиллаштириш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, бу борадаги хато ва камчиликларни бартараф этиш масалалари кўриб чиқилди. Жойларда иқтидорли ногирон болаларнинг «Мафтункор ранглар олами» кўрик-танловини юқори савияда ўтказиш ва танловнинг республика босқичига пухта ҳозирлик кўриш тадбирлари белгиланди.

## ҚОРАҚАЛПОҚ «КУМУШ ТОЛА»СИ

Қорақалпоғистон Республикаси пиллакорлари маррага етди. Қабул пунктларига 560 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси топширилди. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 50 килограммдан ҳосил олинди. Бу муваффақиятга Беруний, Элликқалъа, Амударё ва Чимбой туманлари пиллакорлари салмоқли ҳисса қўшди.

Оролбўйи пиллакорлари режага қўшимча яна 40 тонна ҳосил топширишга аҳд қилишди.

**(ЎзА).**



Тошкент вилоятининг Бўка тумани меҳнаткашлари ҳам республикамиздаги барча ғаллакорлар каби улкан хирмон тиклаш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Айни кунларда тумандаги «Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалигида буғдой ўрими қизғин паллага кирган. 45 гектар майдонга барака уруғини қадаган Соқижон Олимов бошлиқ бригада аъзолари бу йил юқори ҳосил олишни мўлжаллашмоқда.

- Гарчанд бу йилги об-ҳавонинг нобоплиги, кетма-кет ёққан ёғингарчиликлар буғдой ҳосилининг кўнгилдагидек бўлишига халақит қилган бўлса-да, виждонан қилинган меҳнат ўз самарасини бермоқда. Олтин рангида товланиб турган мана бу буғдойзорларни кўраяпсизми, улар ризқу-рўз ундираётган ғаллакорларимизнинг тинимсиз меҳнати натижасидир. Бу йил хўжалигимиз уйган хирмон ҳар йилдагидан баландроқ бўлади,-дейди юксак ишонч билан бригада етакчиси Соқижон Олимов.

**Суратда: (чапдан ўнгга) комбайнчи Убайдулла Пармонов, бош ҳосилот Халил Менглибоев ва раис муовини Абдужалил Шомуродовлар ҳосил чўғини кўздан кечирмоқдалар.**

**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.**

## ХИРМОН БАРАКАСИ




Наманган тумани ғаллазорларида ҳаёт қайнайди. Булиқ бошоқлар, ўрим-йиғим ишлари намунали олиб борилаётганлиги, комбайнчилар ғайрат-шижоати бу йил хирмонлар донга тўлишидан дарак бермоқда. Туман ғаллакорлари 5016 гектар ерда баракали ҳосил етиштирдилар. «Сангзор-4», «Сангзор-8», «Улуғбек» навлари бу ерларнинг шароитига мос тушди. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган усуллари амалиётга кенг жорий этилаётганлиги ютуқлар салмоғини кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, мавжуд ғаллазор 800 та пудратчига бўлиб берилган. Моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги меҳнатчилар ғайрат-шижоатини оширмоқда.

Биринчи бўлиб «Ипакчилик» жамоа хўжалиги деҳқонлари давлатга ғалла топшириш режасини муваффақиятли бажардилар. Ҳосилдорлик гектарига 41 центнерни ташкил этди. Ички имкониятлардан унумли фойдаланилаётган, техника қудрати амалда намойиш этилаётган «Ижодкор», «Соҳибкор», Қ.Солиев номли йирик хўжаликларда бу кўрсаткич 45-50 центнер бўлмоқда. Ўрим-йиғим мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, илғорлар тажрибасини оммалаштиришда Қ.Солиев номли корпорацияда ўтказилган вилоят ғаллакорлари кенгашининг аҳамияти алоҳида бўлди.

Ғаллазорларда ўрим-йиғим кун сайин қизғин тус олмоқда. 37 та комбайн юқори унум билан ишлатилмоқда. Шулардан бештаси КЕЙСлардир. Бундан ташқари 200га яқин ташиш техникаси сафарбар этилган. Ғаллакорларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Хусусан, кунига тўрт маҳал иссиқ овқат тайёрланмоқда. Тиббиёт ходимлари, кўчма кутубхоналар, маиший хизмат ходимлари дала шийпонларида хизмат кўрсатишмоқда.

Наманган вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раёсати қатор мутасадди идоралар билан биргаликда ғолибларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш тадбирларини ишлаб чиқди. Уларнинг ҳаммаси хирмон баракали бўлишини таъминламоқда.

**А.ҚОРАБОЕВ.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## «МАКТАБ АВАРИЯ ҲОЛАТИДА»

Газетамизнинг шу йил 4июн сонида чоп этилган «Мактаб авария ҳолатида» сарлавҳали мақолада Паркент туманидаги 3-таянч мактаби анча йиллардан бери фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги, бир гуруҳ ўқувчилар шароит йўқлиги сабабли бошқа мактабга қатнашга мажбур бўлаётгани, мутасадди юқори ташкилотлар бу борада ўзгариш қилишга шошилмаётгани хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.

Куни-кеча таҳририят газетанинг ушбу танқидий чиқиши юзасидан Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасидан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Мақолада келтирилган далиллар асосан тўғри. Ҳақиқатан ҳам мактабнинг бир қисми 1945 йилда хом ғиштдан қурилган, қолган бинолар эса 1966 йили ҳашар йўли билан тикланган. Бундан ўн бир йил олдин билим масканини текширган Республика комиссияси томонидан у «авария ҳолатида» деб топилган. Шундан кейин ҳукуматнинг 260 сонли қарори рўйхатига киритилиб, бино қурилиши бошлаб юборилди. Бироқ маблағ етишмаслиги сабабли ишлар тўхтаб қолди.

Яна шуларни маълум қиламизки, мақолада таъкидланган 3-таянч мактаби учун янги бино қурилиши вилоят режа дастурига кўра 2001 йилда битказилиб, фойдаланишга топширилиши лозим. Шу сабабли мазкур мактабда тубдан таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Айни пайтда бинонинг том қисми, иситиш системалари таъмирланмоқда. Мактаб ўқувчиларига қулай шароит яратиш мақсадида 4 та синф (108 нафар ўқувчи)ни оралиқ масофаси 200 метр бўлган 4-мактабга кўчириш масаласи педагогик жамоа билан келишилган ҳолда ижобий ҳал қилинди.

Газета мақоласи юзасидан иш олиб борган комиссия хулосасидан мактаб ўқитувчилари қониқиш ҳосил қилганликларини билдирдилар.»

## ЯНГИ САВДО МАЖМУИ

***Самарқандда «Оловуддин» савдо мажмуи фаолият кўрсата бошлади. Икки қаватли бу мажмуада аҳолига намунали савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатилади. Биринчи қаватда харидорлар зарур кундалик эҳтиёж моллари, уй-рўзғор буюмларини харид қилиши мумкин. Иккинчи қаватдаги зал эса турли тадбир ва тўй-томошалар, учрашувлар ўтказиш учун мўлжалланган.***

***Янги савдо мажмуининг очилишида вилоят ҳокими Э.Рўзиев қатнашди***

**(ЎзА)**

*Таажжуб*

**Касби туманидаги «Комилон» жамоа-ширкат хўжалигида 1,5 минг нафардан зиёд деҳқон меҳнат қилади. Улар ўтган йили мавжуд 2896 гектар майдонда мўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришди. Лекин деҳқонлар ўз меҳнатлари самарасини кўролмадилар. Масалан: Азим Музаффаров бошлиқ бригаданинг 25 нафар аъзоси иш ҳақининг бир қисми ўрнига аҳён-аҳёнда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, газлама тарқатиб келинаётганлигини таъкидлашди. Шунингдек, хўжаликнинг 4-кичик ширкати меҳнатчилари Фуркат Кувватов, Исмоил Музаффаров, Шуҳрат Тўраев, Зафар Саҳатов, Исмоил Шодиев ва Ғайбулла Шодиевлар ҳам иш ҳақларини тўлиқ олишмаганлигини куюниб гапиришди. Мана бунисига нима дейсиз: 2 ёшгача фарзандлари бор аёлларга ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорга асосан мунтазам тўлаб турилиши лозим бўлган нафақа ўрнига ҳар бир онага 1 тадан грабиль (хаскаш) берилган.**

## НАФАҚА ЎРНИГА ...ХАСКАШ

Жамоа учун келтирилган 25 тонна ўсимлик мойининг 20 тоннасигина унинг аъзоларига тарқатилган, холос.

Хўжалик ўтган йилни 207 минг сўм соф фойда билан якунлаган. Аммо айни пайтда хўжаликнинг 100 миллион сўмлик кредитор ва 7 миллион сўмлик дебитор қарзлари мавжуд.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Касби пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятида бўлдик. Бош ҳисобчи Панжи Ҳотамов берган маълумотномага қараганда мазкур хўжалик 1996 йилги пахта ҳосилининг толаси ҳақини тўлиқ олган.

Хўжалик ҳисоб рақамига 17 миллион 438 минг сўм кўчириб берилган. Ўтган қишлоқ хўжалик йилида етиштирилган пахта ҳосили толаси ҳисобидан «Комилон» жамоа-ширкат хўжалиги раҳбариятининг «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси ва вилоят ҳокимлигига қилган ёзма мурожаатига асосан, бир дона «Т-4» русумли трактор берилган. Жорий йил пахта ҳосили учун ҳам яқинда бу хўжалик ҳисоб рақамига аванс тариқасида 20 миллион 250 минг сўм ўтказилган.

Бош иқтисодчи Неъмат Ҳаққулов билан қилинган суҳбатдан шу нарса аён бўлдики, хўжалик ишчи-хизматчилардан 1996 йилги иш ҳақидан 1 миллион 271 минг 500 сўм, мукофотлардан 784 минг 600 сўм, 1997 йилги иш ҳақидан 9 миллион 848 минг 500 сўм, қўшимча тўловлардан 1 миллион 182 минг сўм ва 1998 йилги иш ҳақидан 19 миллион 914 минг 753 сўм қарздор. Умуман олганда, бу борада жорий йилнинг бошига қадар 35 миллион 972 минг 410 сўмлик қарздорлик бўлган. Шу йил биринчи чораги давомида ҳар хил маҳсулотлар (ўсимлик мойи, гўшт, сут, пиёз, томат) бериш ҳисобига бу рақам 353 минг сўмга камайган.

Ўтган йил бошида 2 ёшгача фарзанди бор оналарга тўланадиган нафақа 6 миллион 42 минг 288 сўм бўлиб, шундан йил давомида 409 минг 165 сўм тарқатилди. Янги йилда эса шу ҳисобдан 56 минг 256 сўм берилган.

Агар рақамларга таянадиган бўлсак, ўтган йили банкдан олинган маблағ ҳисобидан тўланган иш ҳақи 30 фоизни, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали ишчилар билан ҳисоблашиш 27 фоизни ташкил этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хўжаликнинг аввалги раҳбариятида омилкорлик, изланиш, ташаббускорлик етишмаган. Улар бозор шароитида ишлашга ўзларини тайёрлай олмадилар. Оқибат натижада қарзга ботишган.

Ихлос, чуқур билим, ташкилотчилик бўлса ҳозирги шароитда қувончли натижаларга эришиш мумкинлигини хўжаликнинг янги раҳбарияти амалда исботлашга ҳаракат қилмоқда. Шу боис деҳқонларда иштиёқ пайдо бўлди.

**Жўра ЮСУПОВ,**
**Аҳмад МИРАКОВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

## ЭЛБЕК ЭЛ ЭЪЗОЗИДА

Республикамиз адабий жамоатчилиги шу кунларда XX аср ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Элбек таваллудининг юз йиллигини кенг нишонламоқда. Шу муносабат билан адиб туғилиб ўсган Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида республикамиз адабиёт ва санъат, фан намояндалари, шоирнинг қариндош-уруғлари ва мухлислари иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги халқимизнинг асл фарзанди Машриқ Юнус ўғли Элбек таваллуди муносабати билан бир қатор хайрли тадбирларни амалга оширди. Жумладан, шоирнинг «Сайланма» ва «Мунгли қушим» китоблари чоп этилди. Туман марказидаги кўчалардан бирига унинг номи берилди. Ғазалкент шаҳрида шоир ҳайкали очилди. Шаҳар маданият уйида Элбек ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар истиқлол туфайли халқимизнинг асл фарзандлари номи тикланаётганини мамнуният билан қайд этдилар. Адибнинг жўшқин ҳаёти ва серқирра ижодий фаолияти, авлодларга қолдирган бой адабий мероси мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёшларни истиқлол, миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев сўзга чиқди.

**Н.ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «ТОШКЕНТ-ОПЕН»: ТУРНИР ШОҲСУПАСИ ЭГАЛЛАНДИ

**Ўзбекистон теннис мусобақаларини ўтказиш бўйича обрў-эътибор қозонмоқда. Теннисниг юртимизга мустақилликдан сўнг кириб, оммавийлашиб кетганлигини ҳисобга олсак, биз қисқагина даврда теннис оламида улкан муваффақиятларга эришдик. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган, мана-ман деган кортлар билан бемалол беллашадиган кортларимиз бор. Уларда жаҳоннинг кучли теннисчилари ўзаро беллашишмоқда. Юртимизда кўплаб нуфузли мусобақалар ўтказилмоқда. Ана шундай мусобақалардан бири пойтахтимизнинг муҳташам «Динамо» теннис кортида аёллар ўртасида бўлиб ўтган «Тошкент-опен» халқаро турнири ниҳоясига етди.**

Шуни мамнуният билан таъкидламоқ жоизки, «Тошкент-опен» халқаро турнири WTA таснифида тўртинчи даражада белгиланган. Бундай турнирлар жаҳоннинг атиги ўнга яқин давлатларида ўтказилишини инобатга олсак, бу биз учун жуда юксак натижадир. Бу йилги турнирда пойтахтимизга 21 давлатнинг 70 га яқин ракеткачи аёллари ташриф буюришган. Унинг мукофот жамғармаси 112,5 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Тошкентда ўтказилган турнир ҳақиқий спорт байрамига айланиб кетди. Ташриф буюрган теннис ишқибозларининг олқишлари барча теннисчиларга далда бўлиб турди. Бир ҳафта давом этган баҳслар ўта муросасиз кечди. Етакчи теннисчи қизларнинг, хусусан, исроиллик Анна Смашнова, россиялик Татьяна Панова, голландиялик Седа Нурландерларнинг ташрифи беллашувларнинг қизиқарли ўтишига сабаб бўлди.

Аёллар жаҳон тенниси таснифида юқори ўринлардан бирини (41 ўрин) эгаллаб келаётган Анна Смашнова бу гал ҳам ўзининг нималарга қодир эканлигини мухлисларга намойиш эта билди. Австралиялик Аннобел Илвуд ва япониялик Кейко Нагатами устидан ишончли ғалаба қозонган Смашнова ушбу турнирда ўзига бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. У австралиялик рақибасини - 7:5, 6:3 ҳисобида ютган бўлса, кунчиқар мамлакат ракеткачисини - 6:2, 6:0 ҳисобида доғда қолдирди. Белгиялик Лорена Кортуа чехиялик Андирана Герси билан куч синашиб кўрди. Биринчи, иккинчи сетда бир-бирини синовдан ўтказиб олгач, учинчи сет тай-брекида Кортуа ғалабани илиб кетди. Ҳисоб - 4:6, 6:4, 7:6.

Амал-тақал финал босқичига чиқиб олгач Лорена Кортуага омад туткич бермади. Биринчи сетнинг ўзидаёқ беш геймни бой берган теннисчининг иккинчи сети ҳам унга худди шундай ҳолатни тақдим этди. Кетма-кет хатоликларга йўл қўйган Кортуа ғолиблик нашидасини суришни Анна Смашновага топшириб қўйди.

Шундай қилиб «Тошкент-опен» аёллар турнири Аннани ғолиблик шоҳсупаси сари етаклади.

Мусобақалар сўнгида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Барча иштирокчиларга совға-саломлар улашилди.

**ШАҲРИЁР.**

